



ХОРАЗМДА ЎЗБЕК ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.

Собиров Жамшидбек¹

Андижон давлат университети Тарих факультети 3-курс талабаси

Алишерава Зарнигор²

Андижон давлат университети Филология факультети 3-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7007725>

Аннотация: Ушбу мақолада уч ўзбек хонликларидан бири бўлмиш Хива хонлигининг ташкил топиши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Хива, Мўғуллар, Элбарсхон, Субхонқули, Самарқанд, Хуросон, Манғишлоқ

Хива шаҳрининг пойтахт этиб танланиши Мўғуллар даврида бўлиб ташланган, Темурийлар даврида гоҳ Самарқанд, гоҳо Хуросонга бўйсунган Хоразм аҳли кўчманчи ўзбеклар (1505) ва Эрон қизилбошлари (1510) босқинига дуч келиб, Шайбонихон вафотидан сўнг тез орада озодлик учун курашни бошлади. Хоразм воҳаси ва унинг атрофларидаги ҳудудларда халқ озодлик ҳаракати 1511 йилда бошланди. Вазир шаҳри уламолари мадад сўраб Абул Мансур Элбарсхон ибн Берке султон ўғлига мурожаат қилдилар. Ўзбекларнинг шаҳарга яқинлашиб келаётганидан хабар топган аҳоли кечаси қизилбошларни ўлдира бошладилар. Ғалаба ҳақида Абулғози шундай ёзади: “Улуғ тўй қилиб, ўзбек ва сарт барчаси йиғилиб, иттифоқ билан тарих тўққиз юз ўн бирда ва қўй йилинда Элбарсхонни хон кўтардилар”. Вазирга қарам Янги шаҳарга Билбарс, Тирсакка эса яна бир ўзбек ҳоким этиб тайинланди. Элбарс ва Билбарс Жўжининг бешинчи ўғли Шайбоннинг вориси Арабшоҳ авлодларидан бўлганлиги боис уларнинг хонлик сулоласи Арабшоҳлар деб ҳам ном олди. Ўзбек хонлиги ташкил этилиб, орадан уч ой ўтгач, Элбарс Урганчни эгаллаш мақсадида қўшин тортиб келди. Шаҳардан ярим фарсах масофада бўлган жангда Элбарсхоннинг қўли устун келиб, ҳоким Субхонқули бошлиқ қизилбошлар ва уларнинг иттифоқчилари енгилди. Урганчни эгаллаган Элбарсхон Даштда қолган Ёдгорхон ўғлонларига чопар жўнатди. Орадан сал вақт ўтиб, Абулақхоннинг бир ўғли ва Амнакхоннинг олти ўғли элдошлари билан бирга Хоразмга келдилар. Уларнинг кучига таянган Элбарсхон қисқа муддатда Хива, Ҳазорасп, Катни олди. Келажакда иниси Билбарс лашкарлари кўмагида Элбарсхон Хуросоннинг Маҳнача ва Дурун деган ерлари ҳамда туркманларнинг Абулхон ва Манғишлоқ ҳудудларига тез-тез босқинчилик юришлари қилиб турди. Шундай қилиб, Элбарсхон даврида давлатнинг сиёсий географияси



шаклланиб, жанубда Хуросон, шимолда Орол, ғарбда Каспий, шарқда Бухоро хонликлари билан чегарадош бўлди. Хоразмга келиб жойлаша бошлаган ўзбек уруғ-қабилалари вакиллари турк-мўғул анъаналарига асосланган бошқарув тизимини жорий этиб, хонликнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатига катта таъсир эта бошлашди. Бу даврда ўз ҳудудларини кенгайтириш ва даромадлироқ мулкларни эгаллашга интилган ўзбек султонлари ўртасидаги ўзаро курашни авж олдиришга туртки бўлган удел-мулк тизимининг салбий жиҳатлари яққол қўзга кўрина бошлади. Академик Я.Ғуломов тўғри таъкидлаганидек, бошқарувнинг удел тизими бирлашишга ёрдам бериш ўрнига Хоразмдек ҳосилдор мамлакат хўжалигининг тушкинликка учрашига олиб келган эди. 1516 йилда Элбарсхоннинг вафотидан кейин фарзандлари ўртасида тахт ва мансаб учун кураш бошланди. Бу даврда Ёдгорхоннинг набиралари орасида Беркенинг ўғли Султонҳожидан ёши улуғи йўқ эди. Шу боис уни Вазирга келтириб, хон қилиб кўтардилар. Султонҳожининг қўшини оз бўлиб, атрофдаги душманларига қақшатқич зарба бера олмади. Унинг вафотидан кейин эса тахтга Абулакхон ўғли Ҳасанқули кўтарилди. Эндиликда янги хон тахти Вазирда эмас, балки Урганчда жойлашганди. Шу даврга қадар Урганчда арк бўлмаган. Эшсултон деган амалдор шаҳар аркини қурдирган. Орадан бироз вақт ўтгач, барча ўзбек султонлари Урганчга хужум уюштириб, қамал қилдилар. “Урганч улуғ шаҳар,— деб ёзганди Абулғози. — Тез-ўқ қаҳатлик бўла қолди. Бир эшакнинг калласи қирқ-эллик танга бўлди, топилмади”. Ўта оғир муҳтожликни бошидан кечирган Урганч аҳолиси 4 ой давомидаги қамалдан сўнг таслим бўлди. Шаҳар олингач, Ҳасанқули ва унинг катта ўғли Билол Султон ўлдирилди. Урганчда Сўфиён хон деб эълон қилинди. Вазир, Янгишаҳар, Тирсак, Хуросон, Дурун, Манғишлоқ туркманларининг кўпгина овулларини бошқариш Султонғози бошлиқ Берке султон набираларига топширилди. Амударёга яқин Хива, Ҳазорасп, Кат, Бўлдумсоз ва Ингичка, Копеттоғ ён бағридаги Боғобод, Нисой, Обивард, Чаҳордеҳ, Маҳна, Чача аҳолиси ҳамда дарё ирмоқлари бўйида ўтирган Абулхон ва Деҳистондаги туркманлар Амнакхоннинг тўрт ўғли томонидан бўлиб олинди. Хон топшириғи билан барча амалдорлар солиқ йиғиши ва пойтахтга юбориб туриши лозим эди. Хоразмда ватан тутган ўзбеклар ҳукмдорлари билан туркманлар орасидаги муносабатлар аста-секин кескинлашиб борди. Айниқса эсари, адақли, хизир, али эли, тевачи каби туркман уруғлари оқсоқоллари элати гарданига юкланган солиқлардан норози эдилар. Сабаби катта-кичик элатларга солиқ тўплаш учун юборилаётган амалдорларнинг сони 40 дан ошиб, уларнинг хархашаси ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Солиқ йиғувчиларнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабар Сўфиённинг тўрт иниси билан туркманлар устига қўшин тортишига туртки бўлди. Эрсари элатига етиб келган Суфиён қўшинлари аҳолининг катта-ю-кичигини аямасдан қира бошлади. Ўлдирилган 40 ўзбеклар хуни учун туркманларга 40 минг қўй ўлпон тўлаш мажбурияти юкланди. 1522 йилда Сўфиёнхон вафот қилгач, Урганчдаги хон тахтига Бучғахонни келтириб ўтқаздилар. Унинг даврида Бухоро хонлиги лашкарларининг Эрон ҳудудларига кўплаб юриш



қилганлиги сабабли Эрон шоҳи Таҳмосп Бучғахон билан яқин қариндош тутиниш учун унинг акаси Сўфиённинг Ойшабеги исмли бўйи етган қизига уйланди. Бу Эрон ва Хоразм ўртасидаги муносабатни яхшилади. Бучғахон 1526 йилда вафот этгач, Урганч тахти Аванишхон қўлига ўтди. Урганчга келган Дурун ҳокими Муҳаммадғозининг Аванишхоннинг катта ўғли Динмуҳаммад томонидан ўлдирилганлиги Амнакхоннинг ўғиллари ҳамда Элбарсхоннинг авлодлари ўртасидаги қонли тўқнашувга сабаб бўлди. Аванишхон Вазир яқинидаги Қумкенд деган жойда Султонғозининг тарафдорларини енгди ва Элбарсхон авлодидан бўлган 16 та хонни ўлдирди. Қариндошлари билан Бухорога кетган Султонғозининг катта ўғли Умарғози укаси Шерғози билан бирга, Убайдуллахон саройида тарбиялана бошлади, улар бироз улғайгач, оталари мулкига даъвогарлик қилдилар. Вазиятдан фойдаланган Убайдуллахон Тошкентдан Бароқхон, Самарқанддан Жуванмардхон, Ҳисордан Ҳамза Маҳдий султоннинг лашкарларини Бухорога тўплади. 1538 йилда Бухоро қўшинлари келаётганидан хабар топган Хива ва Ҳазораспда ўтирган Амнакхоннинг ўғиллари Аванишхоннинг олдига қочиб бордилар. Ўз навбатида, хон Урганчни тарк этиб, Устюрт томон жўнади. Орқасидан етиб келган қўшин Аванишхонни Баёт қири этагида асирга олди. Убайдуллахон уни Умарғозига берди ва у ўч олиш ниятида Аванишхонни ўлдирди. Убайдуллахон Урганчни бошқаришни ўғли Абдулазизга топширди. Янги ҳукмдор билан бирга тўрт қисмга ажратилган ўзбек уруғларини бошқариш учун Ҳисор, Самарқанд, Тошкент тўралари ва Бухоро амалдорлари қолдирилди. Убайдуллахон ўзи билан Ақатойнинг бир гала хотин бола чақаларини ҳам олиб кетди. Аммо улардан бири — 18 яшар Ҳожимхон Хоразмда яшириниб қолди. Келгусида у Дурун ҳокими Динмуҳаммад билан маслаҳатни ўртага қўйиб, Урганчга юриш режасини тузди. Лашкар Қурдуш деган жойга келганида унга хизир эли, адоқли туркманларидан 1000 киши қўшилди. Шаҳар олингач, доруға ва унинг ўнга яқин амалдори қатл этилди. Ҳазорасп доруғаси қочди. Ушбу воқеалардан хабар топган Абдулазиз ҳам Урганчни тарк этиб, отаси олдига шошилди. Бухоро хони Убайдулла 40 минг лашкарлик катта қўшинни Хоразмга жўнатди. Бухороликлар Ҳазораспни эгаллади деган хабарни эшитган Динмуҳаммад ўзининг 3 минг кишилиқ қўшини билан жангга киришни ният қилди. “Бухоро қўшинлари кундузи дам олади ва кечалари юради” 1 деган маълумот асосида Шикаст қўли яқинидаги йўлнинг икки ёқасида пистирма қўйган Динмуҳаммад ва Юсуф султоннинг лашкарлари бухороликлар устига қўққисдан хужум қилиб, босқинчиларнинг устидан ғалаба қозонди. Асир олинган Бухоро амалдорлари Хоразмдан ҳайдаб кетилган барча ўзбек султонлари ва оила аъзоларини қайтаришга ваъда бердилар. Уларни олиб келиш вазифаси Ҳожимхонга топширилди². Бухорога борган Ҳожимхонни Убайдуллахон яхши қабул қилди, отаси ва қариндошларини олиб кетишга рухсат берди. Ундан кейин Ҳожимхон Самарқанддан Жуманмардхон ва Ҳисордан Колхон ҳамда унинг отаси Ақатойхонни олиб, Урганчга қайтди. 1547 йили Урганчда хон тахтига кўтарилган Колхон замони тинч ва ободончилик даври бўлди. “Колхон хон бўлди, бир пулга бир нон бўлди тедилар”, — деб ёзган Абулғози.



Колхон отаси Ақатойхонни Вазирга ҳоким қилиб тайинлади. Хива ва Ҳазораспни бошқариш Бучғахоннинг ўғиллари Эш ва Дўстга берилди. Аммо вақт етиб улғайган Амнакхоннинг набиралари орасида бирлик бўлмади. Улар бир-бирига хавф туғдириб, айримлари Бухорога қочиб кетдилар. Бу вақтда Бухорода Сўфёнхоннинг Юнус исмли ўғли ҳам бор эди. “Юнусхон ақлли ва жувонмард ва ғаюр, ёрлиқи қатти киши эрди”, — деб ёзганди у ҳақда Абулғози. Юнусхон Манғит ҳокими Исмоилбийга куёв бўлиб, 1556 йилда қайнотамни кўриб келаман деб 40 йигити билан Хоразмга йўл олди. Тўқ қалъасига2 яқин келган Юнусхон Урганч шаҳри деворларини кўрди. Кун ботгач, унинг йигитлари шаҳар қалъаси деворларини машъала кўтариб кўриқлаётган соқчилардан бир нечтасини ўлдириб, шаҳар ичига кирдилар. Ночор аҳволга тушиб қолган шаҳар ҳокими Маҳмуд султон Вазирга қочиб, Ақатойхон ҳузурига борди. Ақатойхон қўшини Урганчга келгач эса, Нажмиддин Кубро мақбараси яқинида қонли жанг бўлди. Унда енгилган Ақатойхон ўлдирилди ва жасади Вазирга жўнатилди. Ақатойнинг катта ўғли Ҳожимхон Хуросондаги укалари билан аскар йиғиб, Урганч яқинида Амударёдан кечиб ўтди. Бундай хабар топган Юнусхон шаҳарни ташлаб Бухорога қочди, унинг ўғли Қосим султон эса ўлдирилди3. Вақт ўтиб Сўфёнхон ва Колхоннинг барча фарзандлари ўлди ҳамда улардан насл қолмади. Аванишхоннинг ўғиллари Хуросонда ва Ақатойхоннинг ўғлонлари Хоразмда ҳукмдорлик қилардилар.

Ўзбекистоннинг инновацион ривожланишининг асосий вазифаларидан бири бу ёшлар орасида инновацион қобилиятларни шакллантириш учун муносиб шарт-шароит яратишдир. Инновацион тафаккур янгиликка, номаълум вазиятга мос муносабатни ривожлантиришни, бундай шароитда тезкор жавоб беришни талаб қилади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, “...ҳозирда дунёда янгиликка бўлган интилиш, янгиликни татбиқ қилиш орқали такомиллашиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш доимий жараён тусини олганлиги туфайли, ижтимоий янгилиниш, унинг назарий ва амалий масалалари тадқиқот предметига айланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, инновацион тафаккур ғоясини шаклланишига олиб келди”¹.

Шу жумладан, кичик бизнес ва бизнеснинг ривожланиши ва ҳуқуқий асослари илмий таҳлил қилиниб, айти пайтда кичик бизнес ва бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, иккинчисига ўзгартиришлар киритилади ва миллий қонунчиликнинг ушбу соҳасига оид қоидалар қўшилади.²

¹ Кубаева Ш.Т. Ўйин ва инновацион тафаккур (онтологик ва гносеологик таҳлил). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд 2019. –Б.17.

² TOLIBJONOVICH, M. T., & OGLI, G. O. R. (2020). Lombard Microcredit Organization Its Concept and Its Importance Today. *JournalNX*, 6(10), 109-111.



Конституциянинг ташқи тузилиши унинг бошқа ҳуқуқ манбалари билан алоқасини, муносабатларнинг умумийлигини, ҳуқуқий тизимдаги ўрни ва ролини ва жамиятдаги ижтимоий ва норматив тартибга солиш тизимидаги аҳамиятини тавсифлайди.³

Уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳати шундаки, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш билан боғлиқ. Муаллиф Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасининг фалсафий моҳиятини очиб беришга интилади.⁴

Аниқланишича, талабалар ўзлари ўқиётган олий ўқув юртларига аниқ мақсад билан киради. Шунингдек, ўқиш жараёнида ўз йўналишларини ўзгартириш истаги ҳам бор.⁵

Фалсафий тафаккур тараққиётидан маълумки, дунёқараш муаммоси ҳар қандай тафаккур кишиларининг ҳақиқий инсоний моҳиятини емас, балки уларнинг ҳаёт мазмунини ҳам белгиловчи муҳим ҳодисадир.⁶

Инновацион фикрлашни ривожлантиришда эмпирик, назарий, визуал, мантиқий, фазовий ва бошқа фикрлаш турлари муҳим рол ўйнайди. Масалан, назарий фикрлаш юқори даражадаги мавҳум тушунчалар билан ишлаш билан боғлиқ бўлган инновацион фикрлашнинг бир қисми ҳисобланади.⁷

Мақола тасвирий санъат дарсларида расм чизишнинг дидактик асосига асосланган. Кўникмаларини ривожлантириш ҳақида ёзилган.⁸

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кубаева Ш.Т. Ўйин ва инновацион тафаккур (онтологик ва гносеологик таҳлил). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд 2019. –Б.17.
2. TOLIBJONOVICH, M. T., & OGLI, G. O. R. (2020). Lombard Microcredit Organization Its Concept and Its Importance Today. *JournalNX*, 6(10), 109-111.
3. Tolibjonovich, Madumarov T., and G'Ulomjonov O. R. O'G'Li. "The Constitution is a Legal Guarantee for the Development of the Country and the Well-Being of Society." *International*

³ Tolibjonovich, Madumarov T., and G'Ulomjonov O. R. O'G'Li. "The Constitution is a Legal Guarantee for the Development of the Country and the Well-Being of Society." *International Journal of Human Computing Studies*, vol. 3, no. 2, 2021, pp. 105-109, doi:[10.31149/ijhcs.v3i2.1554](https://doi.org/10.31149/ijhcs.v3i2.1554).

⁴ Abdumalikovich, E. A. (2018). Innovative methods of working with unorganized youth. *European science review*, (9-10-1), 259-260.

⁵ Азизбек Эгамбердиев. (2022). ТАЛАБАЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА МУНОСАБАТИ (ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ). *E Conference Zone*, 206–210. Retrieved from <https://www.econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/1412>

⁶ EditorJournals and Conferences. (2022, May 14). YOUTH OUTLOOK AND INNOVATIVE THINKING. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/QNCKP>

⁷ Abdurakhmonov Khasan Ibroximovich. (2022). INNOVATIVE THINKING AND ITS FORMS AND TYPES OF MANIFESTATIONS. *European Scholar Journal*, 3(5), 38-41. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/esj/article/view/2199>

⁸ Yuldashevna, S. G. Didactic Fundamentals Of Drawing In Fine ARTS Classes. *JournalNX*, 851-853.



Journal of Human Computing Studies, vol. 3, no. 2, 2021, pp. 105-109, doi:[10.31149/ijhcs.v3i2.1554](https://doi.org/10.31149/ijhcs.v3i2.1554).

4. Abdumalikovich, E. A. (2018). Innovatory methods of working with unorganized youth. *European science review*, (9-10-1), 259-260.

5. Азизбек Эгамбердиев. (2022). ТАЛАБАЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА МУНОСАБАТИ (ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ). *E Conference Zone*, 206–210. Retrieved from <https://www.econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/1412>

6. EditorJournals and Conferences. (2022, May 14). YOUTH OUTLOOK AND INNOVATIVE THINKING. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/QNCKP>

7. Abdurakhmonov Khasan Ibroximovich. (2022). INNOVATIVE THINKING AND ITS FORMS AND TYPES OF MANIFESTATIONS. *European Scholar Journal*, 3(5), 38-41. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/esj/article/view/2199>

8. Yuldashevna, S. G. Didactic Fundamentals Of Drawing In Fine ARTS Classes. *JournalNX*, 851-853.

9. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. — Тошкент Фан, 1960. –

10. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. — Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 121. Ушбу сулоланинг насаби ҳақида қаралсин: Абд ал-Қадир ибн Муҳаммад-Амин. Маджма' ал-ансаб ва-л-ашджар. Введение, перевод с арабского-персидского и тюркского, текст, факсимиле автографа, комментарии и указатели Ш.Х.Вохидова, А.М.Муминова, Б.Аминова. — Алматы: Дайк-Пресс. 2005.

11. Уларнинг насаблари: Чингизхон → Жўчи→Берке→ Шибан→ Баҳодир→ Жўчи Буқа→ Бадақул→ Менгу Темур→ Фулод→ Арабшоҳ→ Ҳожи Тули→ Темур шайх→ Ёдгор→ Аменек→Берке→Элбарс (1) , Бейбарс→ Султон ҳожи (2) →Ҳасанқули ибн Абулек ибн Ёдгор (3)→Бучуға (4) → Султон (5) → Авнеш ибн Аминек (6) →Қал (7) →Ағатай (8) → Дўст Муҳаммад (9) →Ҳожи Муҳаммад / Ҳожим (10) →Араб Муҳаммад (11) →Исфандиёр(12) → Абулғози (13) →Ануша (14) →Худойдод (15) →Аранг Муҳаммад (16) → Аранг Муҳаммад I (17) →Мусохон (18) →Шоҳниёз (19)→Шерғози (20)→ Элбарсхон (21) →Нуралихон ибн Абулхайрхон(22) → Абулғози (23)II→ Ғойибхон (24) →Қорабой (25)→Темурғози (26)→Шоҳғози (27) →Абулғози II I(28) →Нурали (29) → Жаҳонгир(30)→ Абулазиз (31)→ Ортиқғози(32) → Абдуллоҳ (33) → Ёдгор (34)→ Пўлатғози (35)→ Абулғози IV (36)→Абулғози V (37). Қаралсин: Династия Арабшахидов // WWW: Hrono.info. Яна қаранг: Фирдавс ал-Икбаль. Сочинение Муниса и Агахи.// МИТТ.— Т. II.

12. Қаранг: Abulgazi. Texte. Перевод Саблукова (18161 г.)..— Казань, 1897.